



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ РОССИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИ БИЛАН ХУДУДЛАРАРО ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШ МАСАЛАЛАРИНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 23 март куни Татаристон Президенти Рустам Минниханов бошчилигидаги Россия Федерацияси делегациясини қабул қилди.

Ўзбекистон ҳудудларининг Татаристон билан ўзаро манфаатли ҳамкорлигини кенгайтиришнинг амалий жиҳатлари кўриб чиқилди.

Илгари эришилган келишувларга мувофиқ икки мамлакат етакчи корхоналари ўртасида шериклик алоқалари ва кооперация ривожланаётганининг илк муҳим натижалари мамнуният билан қайд этилди.

Ўзаро савдо ҳажми ортиб, номенклатураси сифатли кенгаймоқда, қатор инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда. Бугун Тошкент вилоятида янги “Чирчиқ” технологик парки

қўшма лойиҳасига старт берилди.

Гуманитар йўналишда, шу жумладан, таълим ва маданият соҳаларида муҳим дастурлар амалга оширилмоқда.

Саноат кооперацияси, ахборот технологиялари, транспорт ва логистика, фармацевтика ва туризм соҳаларида лойиҳаларни янада илгари суришга алоҳида эътибор қаратилди.

Турли даражалардаги фаол мулоқотларни ва “йўл харитаси” асосида биргаликдаги ишларни давом эттиришга келишиб олинди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

ИҚТИСОДИЁТ РИВОЖИНИНГ БУГУНГИ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИНИБ, ҚЎШИМЧА ЧОРАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 23 март куни иқтисодий барқарорлигини таъминлаш чора-тадбирлари муҳокамаси юзасидан йиғилиш ўтказди.

— Коронавирус пандемияси пайтида ҳамма соҳаларни оғир шароитдан олиб чиқиш бўйича қарорлар қабул қилганимиз ўз натижасини берди. Ҳозирги вазиятда ҳам хавф-хатарларни олдиндан кўра билишимиз зарур. Дунёда бўлаётган воқеалар натижаларга салбий таъсир кўрсатмаслиги учун аниқ чора-тадбирларни белгилаб олишимиз зарур. Айниқса, тадбиркорларга енгиллик яратиш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлашимиз керак, — деди давлатимиз раҳбари.

Шундан келиб чиқиб, йиғилишда иқтисодий ривожнинг бугунги ҳолати таҳлил қилинди ва қўшимча чоралар белгиланди.

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигига тадбиркорлар билан кунлик мулоқот ўрнатиб, уларнинг лойиҳалари, ишлаб чиқариш фаолияти, экспорт-импорт амалиётлариغا қўмақлашиш бўйича топшириқлар берилди.

Тармоқ ва ҳудудларда кунлик мониторинг ўрнатиб, юзага келиши мумкин бўлган хатарларнинг олдини олиш бўйича тезкор чоралар кўриш вазифаси қўйилди. Тадбиркорлик субъектларига айланма маблағларини тўлдирishi учун револьвер кредит бериш тизимини янада соддалаштириш зарурлиги айтилди.

Президентимиз экспорт масаласига ҳам тўхталиб, экспортчи

корхоналарнинг транспорт-логистика масалаларини ҳал қилиб бериш, уларнинг транспорт харажатларини қисман қоплаш амалиётини кенгайтириш бўйича кўрсатма берди.

Маълумки, бугунги кунда дунёда озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб беришда муаммолар кузатишда ҳамда уларнинг нархи сезиларли ошмоқда. Шу боис, Вазирлар Маҳкамасига ички бозорда нархлар барқарорлигини таъминлаш, бугдой, ўсимлик ёғи, шакар ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини импорт қилувчи тадбиркорларга қўмақлашиш орқали аҳоли талабини қондириш бўйича қўшимча топшириқлар берилди. Шунингдек, инфляция даражасини камайтириш ва унинг мақсадли кўрсаткичларга тезроқ қайтишни таъминлаш Хукуматнинг асосий вазифаси экани яна бир бор қайд этилди.

Марказий банкка ташқи валюта бозоридаги ноаниқ вазиятни инобатга олган ҳолда, ички валюта бозори барқарорлиги ва алмашув курси мослашувчанлигини таъминлашда эҳтиёткорона ёндашувни қўллаб бориш муҳимлиги кўрсатиб ўтилди. Бунда ички валюта бозоридаги ҳолатни кунлик кузатиб, тадбиркорларни, умуман, халқимизни жорий вазият, кутилмаётган ўзгаришлар ва қўйилган чоралар ҳақида хабардор қилиш кераклиги таъкидланди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ИҚТИСОДИЁТДА ДАВЛАТ ИШТИРОКИНИ ЯНАДА ҚИСКАРТИРИШ ВА ХУСУСИЙЛАШТИРИШНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШГА ОИД ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартириш ва хусусий секторни ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш, давлат активларини шаффоф ҳолда хусусийлаштириш жараёнини тезлаштириш мақсадида:

1. Давлат активларини бошқариш агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) томонидан Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳамда давлат иштирокидаги корхоналар билан биргаликда 60 га яқин вазирлик, идора ва 2 мингдан ортиқ давлат иштирокидаги корхоналарнинг 12 мингдан ортиқ улушлари ва кўчмас мулк объектлари ялли хатловдан ўтказилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.
2. Қуйидагилар:
 - Хўжалик жамиятлари устав капиталидаги хусусийлаштирилган акция пакетлари (улушлари) рўйхати 1-иловага мувофиқ;
 - Оммавий савдолар орқали сотилмаган кўчмас мулк объектлари рўйхати 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Давлат мулкни сотишда тендер савдоларини ўтказиш бўйича давлат комиссияси (кейинги ўринларда — Давлат тендер комиссияси) ўн кун муддатда мазкур қарорнинг 1 ва 2-иловаларидаги объектларни 2022 йилда савдога чиқариш графикларини тасдиқласин.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:
 - а) 2022 йил 1 апрелдан бошлаб, маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳокимининг ёрдамчилари (кейинги ўринларда — ҳоким ёрдамчилари) томонидан ўз ҳудудларида бўш турган давлат кўчмас мулк объекти ёки ер участкалари аниқланган ҳолларда, улар:

▶ Давами 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

2022-2026 йилларда “ОБОД ҚИШЛОҚ” ВА “ОБОД МАҲАЛЛА” ДАСТУРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Сўнги уч йилда “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида 1 500 дан ортиқ қишлоқ ва маҳаллалардаги йўл-транспорт инфраструктураси, муҳандислик-коммуникация тармоқлари ҳамда ижтимоий соҳа объектларида қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди, хизмат кўрсатиш шохобчалари ташкил этилди, шунингдек, уларда истикомат қилаётган аҳолининг турмуш шароитини яхшилашга қаратилган кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, республикада ўтказилган хатлов натижасида ижтимоий-иқтисодий муаммолари кўп бўлган 1 071 та қишлоқ ва маҳаллалар мавжудлиги аниқланди.

Бундан ташқари, қишлоқ ва маҳаллаларнинг 179 тасида пахсадан ва хом гишдан қурилган умумтаълим мактаблари (мактаб филиаллари) фаолият кўрсатмоқда, 5 568 тасида 29 минг километр тупроқ йўллар қаттиқ қопламга (кўм-шағал, асфальт) ўтказилмаган, 1 540 таси марказлашган ичимлик суви билан таъминланмаган, шунингдек, 49 тасида жамоат транспорти қатнови ҳамда 781 тасида қичинди йиғиш хизматлари йўлга қўйилмаган.

“Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларини амалга оширишни изчил давом эттириш орқали аҳолининг турмуш даражасини янада яхшилаш

мақсадида, шунингдек, 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясини “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили” да амалга оширишга оид давлат дастурига мувофиқ:

1. Туман (шаҳар) халқ депутатлари Кенгаши томонидан Халқ қабулхоналари ва маҳаллий ҳокимликларга тушган мурожаатлар сони, олис ва табиий иқлим шароити оғир ҳудудда жойлашганлиги, аҳоли ва тадбиркорларнинг ўзлари истикомат қилаётган ҳудудни биргаликда ободонлаштириш ҳақидаги ташаббуслари мавжудлигини инобатга олган ҳолда “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари (кейинги ўринларда — Дастурлар) доирасида 2022 йил учун:
 - қурилиш, таъмирлаш ҳамда ободонлаштириш ишлари амалга ошириладиган жами 413 та қишлоқ ва маҳалла танлаб олинганлиги;
 - танлаб олинган қишлоқ ва маҳаллалардаги йўл-транспорт инфраструктураси, муҳандислик-коммуникация тармоқлари, ижтимоий соҳа ва бошқа инфраструктура объектларини қуриш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларининг маъмулий дастурлари тасдиқланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

▶ Давами 2-бетда

“ЧИРЧИҚ” КИМЁ-ИНДУСТРИАЛ ТЕХНОПАРКИ ФАОЛИЯТИГА СТАРТ БЕРИЛДИ

Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳрида “Чирчиқ” кимё-индустриал технопаркининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов, Татаристон Республикаси Президенти Рустам Минниханов, Ўзбекистон ва Татаристон вазирлик, идора ва ташкилотлари раҳбарлари, кимё ва нефть-кимё саноати вакиллари, тадбиркорлар ва кенг жамоатчилик вакиллари қатнашди.

Дастлаб фахрий меҳмонлар ва тадбир иштирокчилари “Чирчиқ” кимё-индустриал технопарки тақдими, ҳудуди, имкониятлари ва технопарк резидентлари томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар кўргазмаси билан танишди.

Тантанали маросимда сўзга чиққанлар наврўз умумхалқ байрами нишонланаётган шу кунларда бу каби ташаббусларнинг амалга ошириладигани аввало халқларимиз фаровонлигини таъминлашга хизмат қилишини таъкидлади.

Президентимизнинг 2022 йил 3 февралдаги “Тошкент вилоятида “Чирчиқ” кимё-индустриал технопаркини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ амалга оширилган ушбу сазой-ҳаракатлар ҳудудда қўлай ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яратиш, минерал хомашё ресурслари

рени чуқур қайта ишлаш, ички ва ташқи бозорларга рақобатбардош маҳсулотларни етказиб беришда муҳим аҳамият касб этади.

Шундан сўнг рамзий тугма босилиб, “Чирчиқ” кимё-индустриал технопарки фаолиятига расман старт берилди. Икки давлат ишбилармонлари ва масъуллари томонидан технопарк ҳудудига лойиҳаларни амалга ошириш бўйича ҳужжатлар имзоланди.

Таъкидлаш лозимки, технопаркнинг умумий майдони 31,22 гектар бўлиб, биринчи босқичда 14 та корхона фаолиятини йўлга қўйиш режалаштирилди. Бу ерда 100 дан ортиқ турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Технопарк тўлиқ ишга тушиши натижасида 2 мингдан зиёд

янги иш ўрни ташкил этилади ва йилга 15 миллион долларлик маҳсулотлар экспорт қилинади.

Бунинг учун Россия, Германия, Корея, Туркия, Хитой каби дунёнинг 10 дан ортиқ мамлакатидан олиб келинадиган замонавий асбоб-ускуналар ўрнатилди. Эътиборлиси, барча саноат тармоқлари экологик талабларга жавоб беради. Саноат ва маъмурий биналар, омибоналар зарур муҳандислик инфраструктураси билан таъминланади.

Барча мажмуаларни бунёд этиш учун 30 миллион доллар миқдорига маблағ сарфланади.

Абдулазиз МУСАЕВ,
ЎЗА мухбири

ИСЛОҲОТЛАР АМАЛДА

ЯХШИ ИШ, МЎМАЙ ДАРОМАД ОСМОНДАН ТУШМАЙДИ

Изланаётган, меҳнат қилаётган юртдошларимиз ҳаёти ўзгаряпти

Абдулла ЧИМИРЗАЕВ,
журналист

Шу йил бошдан юртимизда тадбиркорликни ривожлантиришнинг яна бир янги тизими йўлга қўйилиб, барча маҳаллаларда қарийб 10 минг нафарга яқин ҳоким ёрдамчиси иш бошлади. Улар ҳар бир хонадонга кириб бориб, аҳолини тадбиркорликка йўналтириш, ёшларнинг ишбилармонлик ғояларини амалга татиқ этиш, бу орқали аҳоли даромадини оширишда халқ кўмакчисига айланиши кўзда тутилган.

Ушбу масъулиятли вазифага эл ичида обрў-этиборга эга, креатив фикрли, интилувчан мутахассислар саралаб олинди. Уларга молиявий манбалар сифатида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида бериладиган кредитларга 10 триллион сўм, аҳоли бандлигини таъминлаш, ўзини ўзи банд қилиш, шунингдек, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш учун 1 218 миллиард сўм ажратилди. Айрим вилоятларда солиқ йиғимларидан ортган маблағларни ҳоким ёрдамчилари фаолияти камровини янада кенгайтириш мақсадида белгиланган тартиб асосида тақсимлаш ҳам кўзда тутилган.

Жойларда ҳоким ёрдамчилари фаолияти билан яқиндан танишиш мақсадида Тошкент вилоти Оҳангарон туманидаги Унгут маҳалласида бўлди. Маҳалла саранжом-сарийшта, аксар аҳоли ўз томорқаси, хонадонига ёндош ерларни экин-текин учун ҳозирламоқда. Бу ердаги ҳоким ёрдамчисини қизгин иш устида топдик.

— 38 сотихли майдонда балиқчилик хўжалиги ташкил этишни режалаштирғанимиз, — дейди ҳоким ёрдамчиси Наргиза Исроилова. — Бу орқали 6 кишининг бандлиги таъминланади. Очиғи, Президентимизнинг ушбу хайрли ташаббусидан халқимиз жуда хурсанд. Чунки хонадонма-хонадон юриб, ҳар бир оила аъзосини эшитяпмиз, қизиқиши, режалари, хоҳишига мос шароит яратиб беришга ҳаракат қиляпмиз.

Унгут маҳалласида 2 минг 300 нафардан зиёд одам яшайди. Наргиза Исроилова унгуликлар билан мулоқотларида уларга мавжуд имкониятлар, берилаётган имтиёзлар ҳақида маълумот беради. Ҳар бир оила имкониятидан келиб чиқиб, уларни оилавий тадбиркорлик фаолиятини бошлашга ундайди, йўл-йўриқ кўрсатади.

— Иш бошлаганимга кўп бўлмаган эса-да, платформамга 40 дан ошди ариза келиб тушди, — дейди у. — Ариза берган фуқароларга ишни қандай ташкил қилиш, нималарга эътибор қаратиш лозимлиги ҳақида маслаҳатлар беришимиз. Ишимизда самара бўлиши, қўзланган мақсадга эришиш учун улар билан бирга банкка, таъминотчи хузурига катнадим. Шунингдек, биргаликдаги сазъ-ҳаракатларимиз бесамар кетмапти, кимдир чорвачиликни, яна кимдир паррандачиликни, бошқаси рўзгорига даромад келтирадиган бошқа йўналишни маҳкам тутиб, оиласи, пировардида, юртимизнинг иқтисодий юксалишига имкон қадар ҳисса қўшяпти. Эътиборлиси, турмуш тугути, дунёқараши ўзгараётган дастлабки ташаббускорларимизга қолганлар эргашяпти, “мен ҳам тадбиркор бўлам”, деб маслаҳат сўраётган мурожаатчилар кўпайди.



Маҳаллада, шунингдек, “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”га киритилганларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Уларга субсидия учун тавсиялар бериляпти. “Аёллар дафтари”га киритилган 6 нафар бемор хотин-қизга эса “Саховат ва кўмак” жамғармасидан бегараз маблағ ажратилди.

Маҳалла асосан, чорвачиликка ихтисослашган. Шу боис, унгуликлар чорва моллари, парранда боқиш, қолаверса, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда катта тажрибага эга. Шунинг учун ушбу йўналишни янада кенгайтириш мақсадида “Ўсиш нуқталари”дан бири сифатида белгиланган.

Ҳоким ёрдамчиси билан бирга “Хар бир оила — тадбиркор” дастури доирасида олган кредити эвазига тадбиркорликни йўлга қўйган хонадонларнинг бирига бордик. Бизни ёшгина йигит ҳовлининг ўртасида жойлашган кичкина чехта бошлади.

— Ҳоким ёрдамчисига ўз бизнес режамни айтгандим, менга таклиф ва



тавсиялар билан бирга амалий ёрдам кўрсатди, — дейди ёш тадбиркор Олимжон Султонов. — Шу тариқа яқка тартибдаги тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйдим. Ҳоким ёрдамчиси топиб берган таъминотчи билан боғланиб, Фаргона вилоятининг Риштон туманига бордим. У ерда бир неча кун қолиб, хўжалик совуни ишлаб чиқариш дастохидан фойдаланиш ширларини ўргандим. Сўнг ўзим ҳам шундай дастохни кредит асосида, 6 ойлик имтиёзли давр билан 15 миллион сўмга сотиб олдим. Ишни эндигина йўлга қўйганимиз учун ҳозирча харидорларимиз кам. Мен ва яна 2 нафар оиламиз аъзоси билан биргаликда кунига ўртача 400 дона совун ишлаб чиқаряпмиз. 100 донаси фойдага қоляпти. Буни пулга қақганимизда, бир кунлик даромад 350 минг сўмни ташкил қилмоқда. 26 ёшдаман, тенгдошларим ҳам тадбиркорликка қизиқиб қолган. Келгусида тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириб, кир ювиш кукунни ва гелини ишлаб чиқаришни режалаштирганман.

Бу йигитнинг ишни кенгайтириш режаси жиддий. Шунга яраша ғайрати ҳам бор, албатта. Биргина ёш тадбиркор фаолияти мисолида бутун мамлакатимизда бўлаётган ўзгаришларни ўйлаб, йўлда давом этдик. Кейинги манзилимиз “Темир дафтар”га киритилган оила бўлди.

— Анча пайтдан буён иссиқхона қуришни ўйлаб юрардим, — дейди Худойберди Аҳмедов. — Аммо қўлим бироз калталиқ қиларди. Ҳоким ёрдамчиси тавсияси билан “Бир маҳалла — бир маҳсулот” тамойили доирасида имтиёзли кредит олдим. Ана шу маблағ ҳисобига 2 сотих ерга иссиқхона



қурдирыпман. Таъминотчи билан келишган ҳолда бу ерда булғор қалампир етиштирадиган бўлди.

Шу ўринда иссиқхона қурилишида бош-қош бўлиб юрган таъминотчи тадбиркорни суҳбатга чорладик.

— Ҳозирги кунда аҳоли хонадонларида иссиқхоналарда кооперация асосида сабзавот кўчатларини етиштириш лойиҳаси бўйича иш олиб бораёпмиз, — дейди “Agromir qishloq xo'jaligi birlashmasi” ишлаб чиқариш кооперативи раҳбари Аброржон Ҳошимов. — Сабзавотчилик кластери асосида “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”га кирган 10 та оилада кооперация асосида булғор қалампир етиштиришни режалаштирганмиз. Мана, ушбу хонадонда ҳам 2 сотихли иссиқхона қуриб бердик. Энди бу ерда салкам 2 минг туп сабзавот кўчати етиштириш мумкин. Бу бир марта ҳосил олганда 25-30 миллион сўм даромад, дегани. Албатта, иссиқхонага экинлар алмашлаб экилади, йилига камида 3 марта ҳосил олиш мумкин. Тўртинчи мартасига декабрь-январь ойларида укроп, кашнич, шивит каби кўклатлар урулгари сеиб қўйилса, у ҳам яхши даромад келтиради.

Бугунги кунда мазкур кооператив томорқа эгалари билан ҳамжиҳатликда барча ишларни ўзлари бажаряпти. Яъни ерни тайёрлаб, уруғни саралаб экиш, ҳатто мотокультиватор хизмати ва агротехника ишларини ҳам ташкилот қилади. Томорқа эгаси зиммасида эса таъминотчи тавсиясига кўра экинларни парваришлаш, суғориш, экин майдонини ёввойи ўтлардан тозалаш қолади.

— Хонадон эгаларига тавсиялар бераймиз, — дейди А.Ҳошимов. — Мақсадимиз — келгусида ўрганган агробилмиларини амалда қўллаш олинсин. Шу тариқа бир неча йилдан сўнг ўзлари мустақил пудратчига айланади. Ана шунда ўзи хоҳлаган маҳсулотни экиб, хоҳлаган нарҳида сота олади. Ҳозирча фьючерс шартнома, яъни мuddатли битим асосида фаолият юртияпмиз. Шундай бўлса-да, маҳсулот тайёр бўлгач, биз томорқа эгаларига энг маъқул нарҳни таклиф қиламиз, ҳамкорлигимиз ҳали кўп йиллар давом этади.

Мазкур қишлоқ хўжалиги бирлашмаси 2020 йилда ташкил этилган. Қисқа вақтда 80-85 та хонадон билан ҳамкорлик асосида фаолиятни йўлга қўйишга улгурди. Корхонанинг малакали мутахассислари хонадонларда



дейди “Гулбод” маҳалла фуқаролар йиғинида фаолият юритаётган ҳоким ёрдамчиси Баҳромбек Эшжонов. — Бу орқали биз иш билан банд бўлмаган аҳолини тадбиркорлик ва доимий даромад келтирувчи фаолиятга йўналтириш ва зарур ҳолларда касбга ўргатишни ташкил қилиш имконига эга бўлди. Шунингдек, ижтимоий дафтарларга кирган фуқароларни бўш иш ўринларига жойлаштириш, ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилиш чоралари кўриляпти.

Ҳоким ёрдамчиси билан йўлимизда биринчи учраган хонадонга кирдик. Бизни ўрта ёшлардаги киши самимий қарши олди.

— Томорқамдаги 1 сотих ерга кооперация асосида иссиқхона қуриб беришди, — дейди ўзини Бахтиёр Асанов деб таништирган юртдошимиз. — Энди бу

Абдусатторовва. — Тарбиячиларимиз жуда маҳоратли. Шу боисми, боғчамизга фарзандларини беришни истаган ота-оналарнинг салмоғи анчагина. Нодавлат мактабгача таълим ташкилотимизда 5 нафар хотин-қизнинг бандлигини таъминлаганимиз. Келгусида ходимлар сонини янада ошириш режамиз бор. Чунки юқорида айтганимдек, фарзандини боғчамизга беришни истаган ота-оналар кўп. Уларнинг талабларини қондиришга ҳаракат қиляпмиз.

Очиғи, ҳудудда тадбиркор оилалар сони кўплигидан ҳам ҳайрон қолдик, ҳам хурсанд бўлдик. Шунданми, ҳоким ёрдамчиси ортидан уйма-уй юраверибмиз. Кейинги хонадонда бизни нуроний отахон қарши олди. Уй жуда файзли, ҳар қарич ердан унумли фойдаланилгани сезилиб турибди. Ота-хонни суҳбатга тордик.

— 70 ёшдаман, 40 йил умрим далада, деҳқончилик билан ўтгани учунми, ерни жуда қадрлайман, ҳовлидаги экинларни алоҳида эътибор билан парваришлайман, — дейди Фахриддин ота Худойбердиев. — Энди шунча йиллик тажрибамни ўз томорқамда фарзандларим, набираларим, кўчи-қўшинларимга ўргатяпман. Баҳонада озгина жисмоний чинқаман, оз бўлса ҳам ҳаракатда бўлиш, чинқиқ кексалликда муҳим-да. Қолаверса, томорқадан яхшигина даромад кўраёпмиз. Мисол учун, шу йил иссиқхонага исалоқ экиб, 5-6 миллион сўмга сотдик. Камига рўзгоримиз учун помидор, бодринг ва бошқа сабзавотлар ҳам ўзимизнинг томорқадан чиқади. Бир кўтон қўйим

“ БУГУНГИ КУНДА МАЗКУР КООПЕРАТИВ ТОМОРҚА ЭГАЛАРИ БИЛАН ҲАМЖИҲАТЛИКДА БАРЧА ИШЛАРНИ ЎЗЛАРИ БАЖАРЯПТИ. ЯЪНИ ЕРНИ ТАЙЁРЛАБ, УРУҒНИ САРАЛАБ ЭКИШ, ҲАТТО МОТОКУЛЬТИВАТОР ХИЗМАТИ ВА АГРОТЕХНИКА ИШЛАРИНИ ҲАМ ТАШКИЛОТ ҚИЛАДИ. ТОМОРҚА ЭГАСИ ЗИММАСИДА ЭСА ТАЪМИНОТЧИ ТАВСИЯСИГА КўРА ЭКИНЛАРНИ ПАРВАРИШЛАШ, СУҒОРИШ, ЭКИН МАЙДОНИНИ ЁВВОЙИ ЎТЛАРДАН ТОЗАЛАШ ҚОЛАДИ.

аҳоли билан бирга иш олиб боради. Етиштирилган маҳсулотларни сотиб олиб, ички ва ташқи бозорга чиқаради. Маҳсулотни экспорт қилишда зарур бўладиган карантин-лаборатория хизмати ҳам мавжуд.

Кооперация иссиқхона қуриб беришдан ташқари чорвачиликка ҳам ихтисослашган. Шунингдек, агротехника, агроном хизматлари кўрсатилиб, мотокультиватор ва бошқа қишлоқ хўжалиги техникалари етказиб берилади. Президентимизнинг 2021 йил 16 декабрдаги “Томорқадан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, шунингдек, аҳолининг тадбиркорлик ташаббусларини молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ ташкил этилган кўп тармоқли корхона бугунги кунда томорқа кластери сифатида иш фаолиятини давом эттиряпти.

Меҳнатидан барака топаётганлар

Унгуликларнинг тантлиги, меҳнаткашлиги, тадбиркорлиги, энг муҳими, бугунги яратилган имкониятлардан самарали фойдаланаётганини кўриб, уларга ҳавас қилдим. Кейинги манзилимиз тумanning Гулбод маҳалласи бўлди.

— Президентимизнинг 2021 йил 3 декабрдаги “Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш бўйича давлат сиёсатининг устувор йўналишлари тўғрисида”ги фармони маҳалладаги ижтимоий-иқтисодий ҳолатни “хонадонбай” ўрганиш, аҳолининг бандлик даражаси, оилаларнинг даромад манбалари, томорқа ерларидан фойдаланиш ҳолати ҳамда даромадли меҳнатга бўлган интилиши ва эҳтиёжларини таҳлил қилиш орқали маҳалла тўғрисида комплекс маълумотлар базасини шакллантиришга замин яратди, —

ерда кўчат етиштириб сотишимиз ёки ўзимиз бошқа майдонларга экишимиз мумкин. Иссиқхонада 2 киши ойига 1,5 миллион сўмдан ойлик оладиган бўл-



япмиз. Экиш ҳаракатлари ўзларидан, биздан фақат экинга қаров, суғориш, бегона ўтлардан тозалаш ишлари қолмоқда. Шунингдек, 10 бош қорамол, 4-5 бош бузоқ бор. Келгусида чорвачиликни ривожлантиришни кўзлаб турибман.

Шаҳноза Умаралиева хонадониданги 1 сотихга ҳам кооперация асосида иссиқхона қуриб берилган. Шаҳноза бу ерга қалампир кўчати экиб, 2 ой мобайнида 100 мингга яқин кўчат етиштиришни режалаштиряпти. Кўчатлар тайёр бўлгач, уларни томорқасидаги 5 сотихли очик майдонга экади. 4 ойда ҳосил етилади. Шу аснода у 6 ой мобайнида буюртмачи томонидан оилавий билан таъминланади.

Гап шундаки, хонадон эгалари хоҳишига кўра, 6 ой бепул ишлаб, етиштирилган қалампирни ўзлари сотиши ёки буюртмачи тадбиркор экиб, ҳосилни йиғиб олгунга қадар парваришлагани учун ойлик олиши мумкинлиги таклиф этилган. Шаҳноза турмуш ўртоғи билан келишиб, ойлик эвазига ишлашни маъқул қурди. Маҳалла вакили, етакчи тадбиркор билан уч томонлама шартнома тузилди. Шартнома мuddати тугагач, иссиқхона хонадон эгаларига қоладики, ғайрати одамни тўлқинлантиради. Уларнинг кўзидаги ишонч, мамнулик ҳудудларда оилаларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш, аҳолининг барқарор ва қўшимча даромад манбаини яратиш, хотин-қизларнинг ишбилармонлик ташаббусларини амалга ошириш, ёш тадбиркорларнинг истиқболли ғояларини рўёбга чиқариш йўлидаги сазъ-ҳаракатлар маҳсулидир. Зеро, имконият барчага бериляпти. Меҳнат қилиб, бунинг ортидан даромад олаётган, бошқаларни ҳам иш билан таъминлаётганлар эса ишидан барака топаётганлар.

— Боғчамиз яқинда иш бошлади, — дейди хонадон эгаси Гулчехра



ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

“Мен туш кўраётганга ўхшайман. Агар бу туш бўлса, унинг давом этишини истайман. Лекин не бахти, бу ўнгимда, ҳаётимда содир бўлмоқда — мен ўз уйимга эга бўлдим. Яна денг, барча жиҳозлари билан. Эҳже, шу кунларга етишни қанча орзу қилгандим...”



КАМБАҒАЛЛИКДАН ЧИҚАРИШ КЛАСТЕРИ

Минажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири

Хужайли туманидаги “Саришунгул” овул фуқаролар йиғини ҳудудда жойлашган ижтимоий шаҳарчага ташир буюрди. Бугунги кунда мазкур масканда 360 киши истиқомат қилади. Ҳудуддаги эски Мурувват уйи қайта таъмирланди. Бунинг учун 8 миллиард сўмлик маблағ йўналтирилди. Боқувчисини йўқотган, ёлғиз қариялар, ногиронлиги бор шахслар ва уй-жойга муҳтож кам таъминланган оилалар учун бор ердан хондонлар ажратилди.

— Масканимизда 25 нафар ёлғиз, 56 нафар ногиронлиги бор, 10 нафар боқувчисини йўқотган, умумий ҳисобда 142 оила яшайди. — дейди ижтимоий шаҳарча директори Амангул Абдухамидов. — Муассасамизни камбағалликдан чиқариш кластери деб атасак ҳам бўлади. Шаҳарчамизда бу оилаларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш бўйича барча шароитлар яратилган. Биринчи навбатда, тиббий хизмат кўрсатувчи шифокор ва ҳамширалар, профилактика инспектори, психолог сингари жами 38 ходим хизмат кўрсатади. Шунингдек, мактабгача таълим муассасаси, ижтимоий дорихона, озиқ-овқат дўкони, тикув фабрикаси, иссиқхона ва товухоналаримиз ҳам мавжуд.

Ширин сўз, яхши муомала — меҳр-оқибат қалити. Ижтимоий шаҳарча ҳаётини четдан кузатар эканмиз, одамлар бир-бирига ширинсўз ва чиройли муомаласи билан эътиборимизни тортиди. Ҳамма жой саранжом-саришта. Хондонлардан бирининг эшигини тақиллатдик. Юзида табассум билан Дилнозаҳон бизни ичкарига чорлади.

— Тумандаги “Мустақиллик” овул фуқаролар йиғинидан келганман. Узим Хужайли туманидаги тиббиёт бирлашмасида ҳамшира бўлиб ишлайман. Тақдир тақозоси бўлса керак, биринчи фарзандимиз касал бўлганлиги боис, бир неча йиллар давомида бор-будимизни сотиб, уни даволатишга сарфладик.



Шунингдек, шаҳарчага ажратилган ҳудудда Бухоро вилояти тадбиркорлари томонидан ҳар бири 1 сотихли 100 та иссиқхона қуриб берилган. Бу эса 100 та оила учун қўшимча даромад топиш имконини беради. “Мид Асия текс” кластерининг 120 кишилик тикув фабрикаси ҳам шаҳарча ҳудудида қад ростлаган.

— Бугунги кунда тикув фабрикасида ижтимоий шаҳарчада истиқомат қилаётган 16 нафар хотин-қизни иш билан таъминлади. Буюртмага асосан кийим-кечак тайёрлаб

бераймиз, — дейди фабрика директори Қанияз Аташев. — Ходимларимизга ўртача 1,5 миллион сўм атрофида ойлик маош бераямиз. Тушлик ҳам ўзимиздан. Бундан ташқари, хотин-қизларни тикувчиликка ўргатиб, кейин ишга қабул қилаймиз.

Албатта, бугун ҳар бир инсон эътиборда. Айниқса, ижтимоий Ҳимояга муҳтожларга ёрдам кўрсатиш, уларни бугунги кундан рози бўлиб яшашлари йўлида сўнгги йилларда қатор ижобий ишлар амалга оширилди.

— Тўрт нафар фарзандим бор. Болаларимни шаҳарчадаги боғчага жойлаштирдик, — дейди Зухра Жуманиёзова. — Узим эса тикувчилик фабрикасида иш бошладим. 12 йил кийнаиб яшадик. Бизга ёрдам кўрсатаётганларга, давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдираман. Энди яшайдиган уйим, даромад топадиган ишим, болаларимга қарайдиган боғчаси бор. Инсон учун бундан ортиқ бахт бўлмас керак.

— Шаҳарчамизда яшаётган ёлғиз қарияларга доимий равишда тиббиёт ходимлари томонидан ёрдам кўрсатилиб, дори-дармон билан таъминланмоқда. Шунингдек, 114 нафар ишсиз фуқаро касб-хунарга ўқитилмоқда. Сўнг уларнинг бандлигини таъминлаш чораларини кўряймиз, — дейди Амангул Абдухамидов. — Бухоролик тадбиркорлар томонидан 23 дон инкубатор тақдим этилган. Шу билан бирга, “Айсулу Милана” кооперацияси томонидан кам таъминланган оилаларга 50-100 бош атрофида товухлар бепул тарқатилмоқда. Шаҳарчамизда товух боқиб учун 25 та катак бор. Демак, шунча оила қўшимча даромад топиш имкониятига эга. Энг яхши томони, кооперация томонидан бепул товух ва унга озуқа берилади. Фақат олинган туҳмиларни бозор баҳосида сотиб олади. Биз ҳисоб-китоб қилганимизда ўртача ҳар бир оила бир ойда 1 миллион 800 минг сўмгача даромад топса бўлар экан.

Бугунги кунда ижтимоий шаҳарчада маданий ҳордиқ чиқариш учун спорт хонаси, кутубхона, IT марказ ва болалар майдончалари ташкил этилмоқда.

Мамлакатимиздаги ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, аҳоли учун муносиб турмуш шароити ва замонавий инфратузилма яратиш, малакали тиббий хизмат кўрсатиш, сифатли таълим, ижтимоий Ҳимоя тизимини ташкил этиш бугун амалга оширилаётган ислохотларнинг олий мақсадидир. Бу борадаги кенг қўламли сазй-ҳаракатлар биргина ижтимоий шаҳарча фаолияти мисолида нечоғлиқ самара бераётганини англаш мушкул эмас.

ЎЗГАРИШЛАР ШУКУҲИ

Ақбар РАҲМОНОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири

Бугун ҳам туни билан ёмғир ёғиб чиқди. Ҳар йили аҳвол шу. Ёгингарчилик бошланди дегунча, бу жойининг муаммоси икки баробар ортади. Топган этик, топмаган елим халтани оёқ кийим устидан ўраб йўлга чиқади.



Кўнгишларга кўчаётган ободлик

Эрталабки ёмғир Фолиб аканинг ҳам иштаҳасини бўғди. Уй-хаёли кўча бошига чиқиб олиш. Ўзи бўлса майли, бир амал қилиши мумкин. Лекин кичкинаси Асила эндигина иккинчи синфда ўқийди. У мактабга бориши керак. Катталари ўрганиб қолган. Бир эски этикни, бири елим халтани оёғига илганча чиқиб олади. Аммо Асилани бу лой кўчалардан катта йўлга чиқариб қўймас бўлмайди. Ҳар кунги одат. Яна қизини елкасига кўтариб олганча лой оралаб йўлга чиқади. Бу маҳалла одамларига одат бўлиб қолган. Ҳар кунги ёш болаларни катталар кўтариб олиб чиқмас бўлмайди. Агар ота-оналарнинг иши чиқиб қолса, болалар қайтунларича ярим белгача лой бўлиб кириб келади. Қайси кун Асила бир пой оёқ кийими лойга ботиб қолиб, олопмай йўллаганча уйга келди.

Фолиб аканинг хаёлини телефон кўнгириги бўзди. У кўнгириққа жавоб бераман, салом-алиқдан сўнг юзининг ранги бир оз ўзгариб, гапиришга иккиланган каби жим қолди. Буни кузатиб турган турмуш ўртоғи савол назари билан қаради.

— Меҳмонлар келаётган эмиш, — дея уф тортиб юборди Фолиб ака.

— Яхши-ку, меҳмон келсин-да, бунинг нимаси ёмон, — дея ажабланиб хотини.

— Меҳмон келгани яхши. Аммо улар шаҳарда яшашади. Бу аборг йўллардан қандай ақлаб келаман. Ёш бола бўлишса экан, елкамда опичлаб олиб келсам...

— Келаётган меҳмонга келманлар, деб бўладими, бир гап бўлар, — деб кўйди аёли.

Оёғига баланд кўнжли этикни кийганча, бир қўлида ишга қиядиган ботинкаси, бир қўлида қизининг сумкаси. Орқасига қизини опичлаганча қоронғуда йўлини йўқотган одам каби гоҳ ўнг томонга, гоҳ сўлга чайқалганча ерга йиқилишдан ўзини эҳтиётлаб, қўлмақ сувени айланб-айланиб ўтиб, катта йўл томон кетиб борарди. Хаёлида эса қачондир шу йўллар ҳам асфальт ширинлигини, деган уй борарди. Ахир Қарши шаҳрининг Отчопар деган маҳалласи бўла туриб, аҳвол бу бўлса. Қишлоқдан келганлар нима деркин? Вақт ўтди. Асила ҳам бешинчи синфга чиқди.



МУҚОБИЛ ЭНЕРГЕТИКА
ТЕЗКОР, ЎРТА ВА УЗОҚ МУДДАТЛИ ЗАХИРА ҚУВВАТЛАРИ
Электр энергияси таъминоти барқарорлигини таъминлайди
Малакали мутахассислар тайёрлаш керак

Дунёнинг аксарият ривожланган ва ривожланаётган давлатлари муқобил энергиядан кенг фойдаланишга ўтмоқда. Бу, бир томондан, кўмир, нефть, табиий газ ва уран каби анъанавий энергия манбалари захираларининг камайиши билан боғлиқ бўлса, бошқа томондан, яшил энергетика имкониятларининг кенглиги, шу жумладан, иқлим ўзгариши, озон қатламнинг емирилиши каби глобал экологик муаммоларнинг олдини олиш, темиген фалокатлар хавфини камайтиришга хизмат қилиши билан аҳамиятли.

Шухрат ИСАЕВ, Инновацион ривожланиш вазирлиги бош мутахассиси

Гал муқобил энергиядан фойдаланишни кенгайтириш ҳақида борар экан, бу борада мамлакатимизда амалга оширилаётган истиқболли лойиҳалар, яқин ва ўрта муддатга мўлжалланган улкан мақсадларни алоҳида эътироф этиш жоиз. Хусусан, Тараққиёт стратегиясига мувофиқ, 2026 йилга бориб республикада қўш фотоэлектр станциялари қувватини 5000 МВтга, шамол электр станцияларининг салмоғини эса 3000 МВтга етказиш режалаштирилмоқда. Бу мамлакат умумий энергия қувватининг 25 фоизидан ортигини ташкил этади.

молчиларни бирлаштиради. Шу билан бирга, энергия ишлаб чиқариш ҳажми доимо истеъмол қилинаётган миқдорга тенг бўлиши керак. Тизим озиқ-овқат маҳсулотлари савдоси каби ишлайди: қанча буюртма берилган бўлса, шунча етказиб берилади. Шунингдек, электр энергияси истеъмоли доимий равишда сезиларли даражада ўзгариб туради. Энергетика тизимининг диспетчерлик хизмати эса электр энергиясини истеъмол қилиш ва ишлаб чиқариш ўртасидаги мувозанатни таъминлаш билан шуғулланади. Истеъмол даражасининг пасайиши билан улар электр станцияларига энергия ишлаб чиқариш блокларининг қувватини камайтириш ёки уларни ўчириш, истеъмол даражаси ошиши билан эса қўлайтириш бўйича кўрсатмалар беради. Ишлаш қувватини оширишнинг иложи бўлмаса, истеъмолнинг ўсишига мос равишда айрим истеъмолчиларни электр тармоғидан вақтинча узишга мажбур бўлинади.

Тизимдаги асосий муаммо нима?

Шу ўринда таъкидлаш ўринлики, соҳада ишлаб чиқарилаётган энергия қувватлари ва истеъмол ҳажмининг ўзаро уйғунлиги, яъни талаб ва тақлифнинг мувозанатини таъминлаш муҳим саналади. Ҳозирги вақтда Ўзбекистон энергетика тизимининг ҳолати, диспетчерлик хизматига истеъмол ҳажмларининг қўйлаётган ўзгаришига қараб ишлаб чиқариш қувватларини 14 минг МВт умумий ўрнатилган қувватдан фақат 1000-3000 МВт миқдорда олдидан режалаштириш ва бошқариш имконини беради. Истеъмол ҳажмидаги барча ўзгаришлар иссиқлик электр станцияларининг энергия блоклари қувватини ўзгариштириш, ўчириш ёки ишга тушириш орқали қувват балансини бошқариш билан қопланади. Агар иссиқлик электр станцияларини тартибга солишга зарурат туғилмаса, доимо оптимал режимда ишласа, уларнинг ресурси кўпроқ вақтга етади, харажатлар ва ёқилғи сарфи камаяди. Аммо бунинг учун тармоқ, истеъмолга нисбатан ортиқча энергияни ўзига сақлаб, ишлаб чиқариш истеъмолдан кам бўлган заҳира қувватларига эга бўлиши керак. Агар биз фақатгина қайта тикланадиган электр энергиясидан фойдаланмоқчи бўлсак, унда энергияни тўплаш, сақлаш ва уни тармоққа қайтариб беришни бажара оладиган етарли миқдордаги заҳира

Ечим қувватни захиралашда(ми)?

Муаммони ҳал қилиш учун қўш ва шамол электр станцияларини қуриш билан бир қаторда, уларнинг қувватидagi ўзгаришларни ўз вақтида компенсациялаш учун турли хил тезлик ва миқдорда қувват етказиб бера оладиган заҳира қувватларини яратиш керак. Булар шамол тезлигининг кескин ўзгариши, булутлар оқими ёки турли хил фавқулодда вазиятлар (тезга, қўш ва шамол қувватларининг қўйлаётган ўзгаришлари (урта), совуқ қиш даврида барча ўрнатилган қувватларнинг етишмаслигини қоплаш ҳамда узоқ муддат булутли ва шамолсиз шароитлар (узоқ муддатли)га жавоб бериш учун керак бўладиган заҳира қувватларидир. Тез жавоб бериш қувватлари сифатида суперконденсаторлар, электрохимик, механик, газ турбинали ва газ заҳира-лар (водород, метан)га эга бўлган газ поршенли қувват блоклари ишлатилади. Уртача тезликка эга сақловчилар сифатида электрохимик, механик, газ заҳираларига эга бўлган газ турбинали ва газ поршенли энергия блоклари, гравитацион, гидро аккумуляция қилувчи электростанция (ГАЭС)лар эътироф этилади. Узоқ муддатли сақловчилар қаторида эса газ заҳираларига эга бўлган газ турбинали ва газ поршенли энергия блоклари, гравитацион, ГАЭСлар фойдаланилиши мумкин.

Муаммо юзага келишининг олдини олиш мақсадида Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан Энергетика вазирлиги билан ҳамкорликда халқаро экспертларни жалб қилган ҳолда қайта тикланувчи энергия манбаларининг республика ягона энергия тизимига таъсирини ўрганиш, қайта тикланувчи манбаларни энергетика тизимига интеграция қилиш бўйича кадрлар малакасини оширишда тизимли ишлар олиб борилмоқда. Шунингдек, Инновацион ривожланиш вазирлиги “Яшил” водород ёқилғисидан энергия захираси қилишда фойдаланиш бўйича тадқиқотларни ташкил этиб бормоқда. Тошкент давлат техника университетида водород энергетикаси бўйича кадрлар тайёрлаш амалиёти йўлга қўйилди. Бундан ташқари, Энергетика вазирлиги ва USAID агентлигининг “Келажақ энергияси” билан ҳамкорликда олиб борилган “Ўзгарувчан қайта тикланувчи энергия манбаларининг республика энергия тизимига таъсирини ўрганиш” лойиҳаси доирасида электр энергияси ишлаб чиқарилишини автоматик тарзда ҳисобга олиш, маълумотлар базасини ҳамда қўш ва шамол манбаларидан ишлаб чиқарилаётган энергия миқдорларини баъоратлаш тизимини яратиш масалалари қўриб чиқилди. Хулоса шунки, қайта тикланувчи энергия манбалари асосида ишлайдиган янги электр станциялари ва заҳира қувватларининг ишга туширилиши келажақда мамлакат энергия тизимининг барқарор ишлашига ёрдам беради.

27 МАРТ — ХАЛҚАРО ТЕАТР КУНИ

Буюк Актёр, Моҳир Раҳбар

Олим Хўжаев... Бу санъаткор ҳақида эшитмаган, у иштирок этган спектакллари, айниқса, фильмлари кўрмаган одам кам бўлса керак юртимизда.

У ўзбек санъатининг, хусусан, театр санъатининг энг ёрқин, энг истеъдодли, зиёли, билимли, фариштали вакиллари эди. У саҳнада ҳам, ҳаётда ҳам талабчан бўлган, аввало ўзига, бошқаларга ҳам. Айни чоғда жуда меҳрибон, юмшоқ табиатли, бағрикенг инсон эди. Унинг юриш-туриши, кийиниши, муомаласи ҳар қандай кишининг ҳавасини келтирарди. Йирик гардишли кўзойнаги ўзига ярашар, уни янада салобатли кўрсатарди. Ана шу кўзойнак ортидаги кўзлари доимо қулиб турарди. Охириги пайтларда бировга қараганда, сўзлаганда боши салгина тебранар (қалтираган каби), ҳатто шу ҳам у кишига ярашарди...



Маматқул ҲАЗРАТҚУЛОВ

Биз талабалик йилларимизда (60-йилларнинг иккинчи ярми) театрларга, хусусан, Ҳамза номидаги (Ўзбек Миллий академик драма) театрига кўп борардик, бирон-бир янги спектаклни ўтказиб юбормасликка ҳаракат қилардик. Бу бино жуда табаруқ жой бўлиб, у ерда Маннон Уйғур, Етим Бобоқонов, Обид Жалилов, Аброр Ҳидоятлов, Сора Эшонтўраева, Зайнаб Садриева, Олим Хўжаев, Тошхўжа Хўжаев, Шукур Бурҳонов, Наби Раҳимов, Саъдийхон Табибуллаев, Шариф Қюмов, Миршохид Мирқоиллов каби улуг санъаткорлар ишлаган. Мен ана шу саҳнада "Ҳамлет", "Қирол Лир", "Алишер Навоий" каби кўпгина мумтоз ва замонавий спектакллари томоша қилганман. Улар орасида бугун сўз юритаётганимиз Олим Хўжаев ижросидаги Ҳамлет, Карл Моор, Юлий Цезарь, Алишер Навоий, қирол Лир, профессор Йўлдош Комиллов образлари юрагимдан чуқур жой олган (Олим Хўжаев Ҳамлет ролини 30 йил, Алишер Навоий ролини 25 йил давомида узлуқсиз ижро этган). "Ҳамлет" спектаклини неча марта кўрганганимиз эслай олмаганман. Дания шаҳзодаси Ҳамлетнинг барча сўзлари ёд бўлиб кетган эди, десам ишонверинг. Буюк Шекспир даҳоси улуг актёр Олим Хўжаев ижросида томошабинлар қалбини ларзага соларди. Ҳозир ҳам эсласам кўз ўнгимда Ҳамлет — Олим Хўжаев намоён бўлади, деган онасига қарата айтган дард тўла сўзлари қўлоқларим остида жаранглайди. Олим Хўжаевгагина хос майин, айни чоғда шиддатли овозда янраган, "На бу, устимдаги қора ридо, онажон...", деб бошланувчи монолог, "Раҳмид бўлганим учун бераҳм бўлишга мажбурман", деган аччиқ нидолар ҳар қандай тошқалбни ҳам парчалаб юборар эди. Ёхуд қирол Лирнинг фоҳиасини актёр шундай очиб берар эдики, кўзига ёш олмаган томошабин деярли қолмасди.

Ҳаётнинг бу қадар мушоҳасизлиги, фарзандларнинг отага шуносабати кимни бекфарқ қолдиради?! Лирдай қирол умрининг сўнггида қизларига телбаларча ялиниши, "совутимни беринглар, совутимни беринглар", деб гўё совутини олпандай, уни отпандай ҳаракатлари юрак-юракни эзиб юборар, залда пиқ-пиқ илганга овозлар эшитилар эди... Алишер Навоийнинг Гулига айтган, "Эссиз тақдир экан, қайдан билибмиз, азизим, дунёга бевақт келибмиз", деган сўзлари ҳар кимни уйга толдирад эди. Актёр бу армонни дард билан, ич-ичидан қуяниб, ачиниб, афсус ила айттарди. Негадир дунё демас, дуня дерди ва, менинг назаримда, бундай талаффуз ўша ҳолат, ўша вазият учун тўғридай туюларди. Унинг талаффузи ҳам, айрим ўринларда бурхорча акцентни ҳам ўзига ярашар, асар ва образнинг моҳиятини, таъсирчанлигини оширишга, табиийлигини таъминлашга хизмат қилгандай... "Ҳамлет" ва "Қирол Лир" асарларини ўша пайтда собиқ иттифоқ мамлакатларида машҳур бўлган актёрлар ижросида ҳам

кўрганман. Масалан, катта авлод Иннокентий Смоктуновский ижросидаги Ҳамлетни, Арвет Ян ўйнаган қирол Лирни яхши эсласам керак. Уларнинг ижросини, истеъдодини инкор этмаган ҳолда айтманки, ушбу образлар менга Олим Хўжаев ижросида кўпроқ ёқарди, асар моҳияти, Шекспир ғоялари теранроқ очиб берилгандай туюларди. Бу гапларни ўзимизнинг актёрни макташ ёки ўзбек тилида ижро этилгани учун айтаётганим йўқ, аслида ҳам шундай эди. Бинобарин, ўша йиллари ўзбек театр санъати жуда юксак чўққиларни забт этганини театршунослар кўп ёзган. Машҳур актёримиз Аброр Ҳидоятлов ижросида Отелло ролини кўрган инглизлар унинг талантини юқори баҳолаб, инглиз актёрларидан-да яхши ижро этган, деб тан бериб кетгани ҳам бор гап...

Мен кўпгина буюк шоир, ёзувчи, олим, актёр, расом, хонанда ва бастакорлар билан учрашган, суҳбатлашган бахтига муяссар бўлганман. Улардан бири ўзбекнинг улуг санъаткори Олим Хўжаевдир. 1970 йилда Олим Хўжаевнинг 60 йиллиги нишонланди. У пайтда мен "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетаси тахририятида ишлар эдим. Санъаткорнинг юбилейи муносабати билан газетанинг бир саҳифаси унинг ижоди ва фаолиятига бағишланган бўлди. Бу материалларни тайёрлашни бош муҳарриримиз Лазиз Қюмов менга топширди. Бу топшириқдан кейин, табиийки, мени ҳаяжон босди. Чунки Олим Хўжаев наинки Ўзбекистонда, балки собиқ иттифоқ бўйича таниқли актёр, Ўзбекистон Театр жамияти раиси, Ленин ва СССР Давлат мукофотлари кўмитаси аъзоси, СССР халқ артисти, мен эса эндигина университетни битирган ёш муҳбирман. Олим Хўжаев қайёнда мен қаёқда. У киши мени қабул қилармикан, суҳбатга розилик берамикан, деган ҳадик тарқ этмасди мени.

Топшириқ берилгани, нима қилиб бўлса-да, уни бажариш шарт. Минг бир хавотирга ҳаяжон билан театрга бордим. Ҳайратланарли жойи шундаки, Олим Хўжаев очиқ чехра билан, мамнуният ила



қабул қилди. Гримхонасида узоқ суҳбатлашдик. Олдидан мухлислардан келган бир дунё хатлар! Уларнинг айримларидан парчалаб ўқиб берди. Хотин-қизлардан келган хатларни ўқиб асосида, "Буларни ўқиганда Шохид опангизнинг рашики келади", деб қулгани эсимда (у кишининг рафиқаси актриса, Ўзбекистон халқ артисти Шохид Мазъумова эди). Кейин яна бир неча марта бордим, кўпгина материалларни кўрдим, у киши иштирок этган спектакллар ёзилган грампластинкаларни қайта-қайта эшитдим. Ниҳоят, саҳифа материаллари тайёр бўлди ва газетата босилди. Ушбу саҳифа



газетхонларга, энг муҳими, Олим Хўжаевнинг ўзига манзур бўлди. Менинг ўша пайтдаги қувончимни, ҳаяжонимни кўрсангиз эди. Рост-да, ёш муҳбир тайёрлаган саҳифа Олим Хўжаевдай баобур, нуфузли санъаткорга маъқул бўладию, қувонмайдимки киши! Шундан кейин бу улуг санъаткор билан анча яқинлашиб қолдик. Турли мавзуда бир неча суҳбатлар уюштирдим. У вақтларда мамлакат миқёсида ёхуд жаҳонда рўй берган баъзи воқеаларга таниқли кишиларнинг фикрини бериш одат тусига кирган, бу журналистлар тилида "отклик" дейиларди. Ана шундай кезларда мен, биринчи гапта, Олим Хўжаевга мурожаат қилардим. У киши муайян масала ёки воқеа бўйича фикрларини айтиб, шулардан ўзингиз бир нарсаси ясарсиз, дерди. Материални тай-



ДАРҲАҚИҚАТ, 1977 ЙИЛ АПРЕЛЬ ОЙИДА ҲАМЗА НОМИДАГИ ТЕАТРИМИЗ ЎН БЕШ КҮН МОСКВАДА ГАСТРОЛЬ САФАРИДА БЎЛДИ (ЎША ЙИЛЛАРДА ТЕАТРИНИНГ БОШ РЕЖИССЁРИ 32 Ёшли БАҲОДИР ЙЎЛДОШЕВ ЭДИ). МАЛИЙ ТЕАТР САҲНАСИДА "ИНКИЛОВ ТОНГИ", "ҚИЁМАТ ҚАРЗ", "КЕЛИНЛАР КЎЗГОЛОНИ" КАБИ СПЕКТАКЛЛАР НАМОЙИШ ЭТИЛДИ. МЕН ГАЗЕТА МУҲБИРИ СИФАТИДА УШБУ ТАДБИРДА ИШТИРОК ЭТДИМ. ҲАР КУНИ ГАЗЕТАГА МАТЕРИАЛЛАР УЗАТИБ ТУРДИМ. БУЛАР — МОСКВАЛИК ТАНИҚЛИ ТЕАТРИШУНОСЛАР, ТОМОШАБИНЛАР ФИКРЛАРИ, ТААССУРОТЛАРИ, ЎЗИМИНГ КУЗАТИШЛАРИМИ ЭДИ.

ёрлаб, Олим акага кўрсатиб олар эдим. Бу ишонч менга хурсандлик бағишлар, айни чоғда катта масъулият юктарди. Чунки муайян воқеа ҳақида Олим Хўжаевнинг гапи, фикри сифатида босиларди-да газетата. 1977 йилнинг бошлари эди. "Ўзбекистон маданияти" газетасининг муҳбири сифатида ўша пайтдаги республика маданият вазирини Фаийли Нажимовдан интервью олаётганим. Қатор туринг телефонлардан бири жўрилади, ассалому алайкум, Оқил Умрзоқович, деди. Билдимки, Марказқўмнинг мафкура бўйича котиби кўнгиноқ қилди. Мен ўрнимдан сал туриб, чиқиб турайми ишорасини қилдим. Вазир ўтираверинг, деган маънода қўлини силкиди. Мен блокнотимга термулиб, ўзимча нималарнидир ёзган бўлман, аммо қўлим суҳбатда. Ахир, вазирнинг Марказқўм котиби билан суҳбатини эшитиш кимга қизиқ эмас. Қолаверса, бундай имконият ҳар доим ҳам бўлавермайди, ҳаммага ҳам насиб этмавермайди. Суҳбат сўнггида вазир бундай деди: "Оқил Умрзоқович, хабарингиз бор, Олим Хўжаев анчадан бери Москва га-

строли ҳаракатида юрибди. Яқинда яна келди. Шу масалани нима қиламиз?" Бу саволга қандай жавоб берилди, билмайман, аммо Ф.Нажимовнинг чехрасидан сездимки, ижобий жавоб олган. "Яхши, раҳмат, тушундим, Олим Хўжаевга айтаман. Саломат бўлинг", деб гўшакини қўйди. Бу суҳбатдан ўзим учун катта янгилик олдим: Ҳамза номидаги театр Москвага гастролга борар экан. Дарҳақиқат, 1977 йил апрель ойида Ҳамза номидаги театримиз ўн беш кун Москвада гастроль сафарига бўлди (ўша йилларда театрининг бош режиссёри 32 ёшли Баҳодир Йўлдошев эди). Малий театр саҳнасида "Инқилоб тонги", "Қиёмат қарз", "Келинлар кўзголови" каби спектакллари намойиш этилди. Мен газета муҳбири сифатида ушбу тадбирда иштирок этдим. Ҳар куни газетага материаллар узатиб турдим. Булар — москвалик таниқли театршунослар, томошабинлар фикрлари, таассуротлари, ўзимнинг кузатишларим эди.

Шу ўринда бир фикрни айтиш жоиз, деб ўйладим. У вақтларда ҳозирги шарт-шарт ва имкониятлар, яъни интернет, компьютер, диктофон, ҳатто факс ҳам йўқ эди. Муҳбир бечора материални бирон тадбирга бориб келгандан кейин ёзар, бошқа шаҳарда бўлса, имконини топиб тахририятга кўнгиноқ қилиб айттарди. Мен ҳам театр гастроллари ҳақидаги материалларимни уйга, хотинимга телефон қилиб айттардим, у машинкада кўчириб тахририятга етказар эди.

Шуларни ўйлар эканман, ҳозир журналистлар учун нақадар катта, кенг имконият ва шароитлар мавжудлигига ҳавасим келади...

Гастроль ниҳоясида "Правда" газетасида машҳур театршуносо, санъатшунослик доктори Константин Рудницкийнинг мақоласи эълон қилинди. Унда театримиз спектакллари, актёрларимиз, режис-



ҚАЧОНКИ, ОЛИМ ХЎЖАЕВ ҲАҚИДА ГАП КЕТСА, У КИШИ ҚАТНАШГАН ФИЛЬМНИ ЁКИ СПЕКТАКЛНИ КЎРСАМ, ШУ ВОҚЕА ЭСИМГА ТУШАВЕРАДИ, ЮРАҚДАГИ АРМОН ҚАЛҚИБ ЧИҚАВЕРАДИ ВА ЎЗИМИНГ ЎЗИМИНГ КИЙИМАН: "НЕГА ЎШАНДА ҚАТТИҚРОҚ ТУРМАДИНГ? НИМА УЧУН АНДИШАНИ БИР ЧЕТГА СУРИБ БЎЛСА-ДА, КИТОБНИ ЁЗИШГА МАЖБУР ҚИЛМАДИНГ? САНЪАТКОРЛАР, САНЪАТ МУХЛИСЛАРИ, БЎЛАЖАК АКТЁРЛАР УЧУН, ХАЛҚИМИЗ УЧУН КЕРАКЛИ БИР КИТОБ ЯРАТИЛИБ ҚОЛАДИ-КУ! ЗЕРО, ОЛИМ ХЎЖАЕВ ҲАЁТИ, У КИШИ БОСИБ ЎТГАН МАШАҚҚАТЛИ ЙЎЛ, ИЖОДИЙ ФАОЛИЯТИ ЎЗИГА ХОС МАКТАБ ЭДИ-КУ! АФСУС, МИНГ АФСУС! ДЕМАК, ҲАР БИР ИШНИ ЎЗ ВАҚТИДА ҚИЛМОҚ ЗАРУР ЭКАН".



Москвага бордик. Бир неча кун овозага сарсон бўлдик. Ҳа деганда натижа чиқармади. Бундан Олим ака сиқилар, асабийлашарди. Мен имкон борича у кишига таскин беришга ҳаракат қилардим. Чунки охириги пайтларда тез-тез соғлиғидан шикоят қиладиган бўлиб қолганди. "Театрга директор бўлганимча юрагим қаерда эканини билмасдим, Ҳақимжон" деган гаплари эсимда. Ундан кейин ҳеч қаерда Олим аканинг сўзи қайтмас, ҳеч ким у кишининг гапини икки қилмас эди. Шунинг учун Москвада турли идоралардаги ҳар хил даражадаги ходимларнинг гапи, муомаласидан ранжирди. Чунки уларнинг аксарияти ёш йигит-қизлар бўлиб, муомала маданияти ҳам ҳаммақадар эди шекилли. Бу Олим Хўжаевдай юксак маданиятли, нозиктаъб инсоннинг, бутун иттифоққа таниқли санъаткорнинг, улкан жамоат арбобининг иззат-нафисига тегади. Кўнглингизга олманг, Олим ака, соғлигингизни ўйланг, ҳаммаси яхши бўлади, десам, шу ишни ҳал қилолмакча нима қилиб юрибмиз бу ерларда, Ҳақимжон, эртага жамоамиз, раҳбарларимиз олдида нима деб борамиз, юзига қандай қараймиз, деб куюнарди. Кечалари яхши ухламас, назаримда, турли йўллар қидириб, ўйлаб чиқарди. Бир кунни нонуштадан кейин яна отланди. Бугун каттасига қираман, менга омад тиланг, Ҳақимжон, деди. Шу куйи кечанга дараги бўлмади. Кечга томон хуш кайфиятда кириб келди. Москвага келганимиздан бери у кишини бундай яхши кайфиятда кўрмаган эдим. Хонага кирдию, Ҳақимжон, табрикланг, иш ҳал бўлди, деганча пальтосини еча бошлади.

Шу топда бирдан "иҳх" деб юрагини ушлади. Ўрнимдан туриб олдида борганимча йиқилди. Дарҳол дўхтир чақирдим... Афсуски, врач келганда кеч бўлган эди...

Бу воқеа наинки Ҳамза номидаги театр жамоасини, санъат мухлисларини, бутун Ўзбекистон аҳлини ларзага солди. Зотан, ўзбек театри ва кино санъатининг забардаст чинорларидан бири қулган эди. Буюк актёр билан видолашувга келган ёшу кекса, эрқаю аёл — бирон киши йиғидан тиблмасди ўзини...

Ўтган асрнинг 70-йилларида Ғафур Ғуллом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти хайриги ишга қўл урди. Таниқли санъаткорларнинг китобини нашр эта бошлади. Унда ўша санъаткорнинг ҳаёт йўли, ижоди, санъат, ҳаёт ҳақидаги кузатишлари, фикр-мулоҳазалари баён қилинарди. Унга бир мисол сифатида Ҳалима Носированинг "Мен ўзбек қизиман" китобини келтириш мумкин. Табиийки, бундай китобларни ёзишда санъаткорга қайсидир ёзувчиси, театршуносо, журналисти ёрдам беради эди. Олим Хўжаевнинг шу туркумдаги китоби нашриёт режиссёрига киритилган бўлиб, уни тайёрлаш менга топширилган. Бу тақлифни Олим ака мамнуният билан қабул қилган, бир неча марта суҳбатлашган ҳам эдик. У кишининг ижодий, ижтимоий фаолияти тизич бўлгани боис, бундан деярли бўлмади. Шу вақдан бафуржа ўтириб, китоб устида ишлаш орқага сурилавверди. Бундан Олим ака хижолат бўлар, сиз менинг китобим бўйича ишлайлик, дейсизу мен вақт тополмайман, бу нима деган гап, дерди қулиб. Мен нима ҳам дердим, у кишининг вақти, имконияти билан ҳисоблашадиган бошқа иложим йўқ эди. Насиб қилмаган экан, китоб ёзилмай қолди...

Қачонки, Олим Хўжаев ҳақида гап кетса, у киши қатнашган фильмни ёки спектаклни кўрсам, шу воқеа эсимга тушаверади, юрақдаги армон қалқиб чиқаверади ва ўзимни ўзим койийман: "Нега ўшанда қаттиқроқ турмадинг? Нима учун андишани бир четга суриб бўлса-да, китобни ёзишга мажбур қилмадинг? Санъаткорлар, санъат мухлислари, бўлажак актёрлар учун, халқимиз учун керакли бир китоб яратилиб қоларди-ку! Зеро, Олим Хўжаев ҲАЁТИ, У КИШИ БОСИБ ЎТГАН МАШАҚҚАТЛИ ЙЎЛ, ИЖОДИЙ ФАОЛИЯТИ ЎЗИГА ХОС МАКТАБ ЭДИ-КУ! АФСУС, МИНГ АФСУС! ДЕМАК, ҲАР БИР ИШНИ ЎЗ ВАҚТИДА ҚИЛМОҚ ЗАРУР ЭКАН".

Олим Хўжаев бу фойий дунёни тарқ этганига қирқ йилдан ошди. Аммо у киши ижро этган роллар санъат мухлислари қалбидан мангу олмаган. Демак, улуг санъаткор доимо биз билан, таъбир жоиз бўлса, иккинчи умрини яшамоқда.